

# Товар хом ашё маҳсулотларини етказиб бериш бўйича

## ШАРТНОМА

Чорток туман

№ 11

2022 й. 30 ноябрь

**Амалдаги Низом асосида ИШ** кўрувчи, кейинчалик «Етказиб берувчи» деб юритилувчи «MEGA STAR SAVDO SENTER» МЧЖ помидан низом асосида иш юритувчи Отатиллаев Абубакир бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Буюртмачи» деб юритилувчи Чорток туман ҳалқ таълими бўлими помидан иш кўрувчи Ф.А.Баходиров иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

### ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Маҳсулот берувчи» «Буюртмачи»га 43-сонли умумий ўргататълим мактаб ошхонасига мебел ва жиҳозларни келишилган муддатларда етказиб бериш, «Буюртмачи» эса уларни сифатини текшириб, қабул килиб олиш ва кийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Товар хом ашё маҳсулотларининг аниқ турлари, уларнинг сони, нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий кисми хисобланган иловада келтирилади.

### 2. ТОVAR ХОМ АШЁ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ.

2.1. Бериладиган маҳсулотларнинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан етказиб бериладиган товар, хом-ашё маҳсулотлари ва моддий-қийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлиши хамда сифат сертификати ёки тахлил (текшириш) баёни билан тасдиқланиши шарт.

2.2.»Буюртмачи»га товар хом-ашё маҳсулотлари билан бирга: мувофиқлик сертификати нусхаси тақдим этилади.

2.3. Маҳсулот «Буюртмачи» томонидан аванс тўлови амалга оширилгандан кейин 5 кун муддатда етказиб берилади.

### ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 3.1.«Буюртмачи» нинг хукуклари:

«Маҳсулот берувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Маҳсулот берувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат,ассортиментдаги маҳсулотлари етказиб берилишини талаб қилиш;

Зарур сифатга эга булмаган маҳсулотлари етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга булмаган маҳсулотлари шунга ўхшаш маҳсулотлари билан алмаштирилишини:
- камчиликлар белуп бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни:
- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш:
- мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Маҳсулот берувчи»дан талаб қилиш.

#### 3.2. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

ўз буюртмаси бўйича етказиб берилган маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш:

#### 3.3. «Маҳсулот берувчи» қўйидаги хукукларга эга:

берилган маҳсулотлари учун олдиндан хақ тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб қилинишини Буюртмачидан талаб қилиш:

Берилган буюртмага мувофиқ етказиб берилган маҳсулотларини қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини «Буюртмачи»дан талаб қилиш.

#### 3.4. «Маҳсулот берувчи» қўйидагиларга мажбур:

«Буюртмачи»га маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 5,8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

- 3.5. Экиш жараёнида «Махсулот берувчи»нинг мутахассислари томонидан доимий иштирок этиши ва назорат қилиб туриши.
- 3.6. «Буюртмачи»га «Махсулот берувчи» томонидан 2 йил давомида кўриб маслаҳат бериб бориш.

#### **4. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

4.1. Мазкур шартноманинг бахоси **58.790.000** (Эллик саккиз миллион етти юз тўқсон минг) сўмни ташкил этади.

Бериладиган махсулотларининг бир бирлик нархи мазкур шартномага иловада (спецификация) кўрсатилган. Агар махсулотларининг амалдаги бозор баҳолари ўзгарса, етказиб бериладиган махсулотлар бир бирлигининг нархи томонларнинг ўзаро ёзма келишувларига асосан ўзгартирилиши мумкин.

4.2. «Буюртмачи» етказиб бериладиган товар хом-ашё махсулотлари туркуми суммасининг 30 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Берилган махсулотлари учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин 5 кун муддатда қолган 70 % ини узил-кесил хисоб-китоб қилинади.

4.3. Берилган махсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда хисоб-китоб қилинади.

#### **5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ.**

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл кўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган холлар бундан мустасно.

5.3. Берилган махсулотларини қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

Хисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана етказиб берилган махсулотларга ҳақ тўлаш бўйича «Буюртмачи» мажбуриятлари бажарилган сана хисобланади.

5.4. «Буюртмачи»нинг розилиги билан товар, хом-ашё махсулотлари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин, Берилган ва «Буюртмачи» томонидан қабул қилинган махсулотлар учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган махсулотлар хисобига ҳақ тўланади ва улар хисобига ўтказилади.

5.5. «Буюртмачи» муддатлар бузилган холда етказиб берилган махсулотларини қабул қилишини рад этишга ҳақлидир.

5.6. Берилган махсулотлари бевосита «Буюртмачи»нинг масъуд ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган махсулотлари миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилган махсулотлари етказиб бериш мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи»нинг буюртманомаисда кўрсатилган муддатлар ва хажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Махсулот берувчи» Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

5.8. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд махсулотларнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Махсулот берувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор киласди.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Томонлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб қолганлиги учун айбор томон бекор туриб қолганлик билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзолангандан далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

6.2. Берилаётган махсулотлари сифати, миқдори «Махсулот берувчи» томонидан нотўғри аникланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши холлари аникланган тақдирда «Махсулот берувчи» етказиб берилаётган махсулотларининг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини хисобга олган холда қайта хисоб-китоб қиласди ва хисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «Буюртмачи»га нотўғри хисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.3. Агар берилган товар, хом-ашё махсулотларининг сифати, ассортименти, навлари, стандарт, техник шартлари талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбор томон етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган махсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. Хом ашё маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Маҳсулот берувчи» «Буюртмачи»га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган Хом ашё маҳсулотларининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, «Маҳсулот берувчи» «Буюртмачи»га маҳсулотларни етказиб бериш берилмаслиги натижасида етказилган заарни тўлайди.

6.5. Хом ашё маҳсулотлари етказиб бериш кечикирилган ёки тўлиқ берилмаган тақдирда «Маҳсулот берувчи» «Буюртмачи»га кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси берилмаган хом ашё маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва хом ашё маҳсулотлари бериш муддати кечикирилиши ёки тўлиқ берилмаслиги туфайли етказилган заарлар қопланishiдан озод этмайди.

6.6. Берилган хом ашё маҳсулотлари учун ўз вақтида хақ тўланмаганда «Буюртмачи» га муддати кечикирилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.7. «Маҳсулот берувчи»нинг айби билан шартноманинг «Буюртмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган заар белгиланган тартибида «Маҳсулот берувчи» томонидан қопланади.

6.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларининг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ кўлланилади.

## **7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқкан тақдирда, томонлар, қоидага кўра мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга муроджаат килишга хақлидир.

7.3. Форс-мажор холатида шартнома бузилса, уз-аро келишиб олинади.

7.4. Агарда бир томонда шартларни бажара олмаслиги ёки маҳсулот сифати, миқдори ва суммалари тўғрисида ўзгариш бўлса, олдиндан ўзаро келишувга асосан ўзгартириш киритилади.

## **8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.**

8.1. Мазкур шартнома Буюртмачи ва маҳсулот берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

8.2. Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

## **9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.**

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича сўд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур дараадажа вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хақиқий хисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## **10. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:**

Бажарувчи:

“MEGA STAR SAVDO SENTER” МЧЖ

Манзил: Чорток ш.Юксалиш МФЙ  
Ешлик кучаси

Х/Р: 20208000705181886001

Банк номи: АТБ Агро банк Чорток

Буюртмачи:

Чорток туман халқ таълими бўлими

Чорток шахар Истиклол хиёбони кўча 6-уй

Р/с:

Л/с: 401722860142367092100075008

Банк реквизитлари: М.Б. ХККМ

МФО : 00014

филиали  
МФО: 00256  
ИИНН: 307147697

ИИНН: 200107722  
ОКЭД:

ОКЭД:

Бажарувчи:

  
A. Отатиллаев.



Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.  
Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR  
Code** ni skanerlang.

Imzolovchi F.I.SH.	FAYZULLAXON BAHODIROV ABDULLAYEVICH
Imzolangan sana	30.11.2022 11:05
Hujjat kodi	<b>DL3158817743</b>
Hulosa kodi	<b>LZ4406523077</b>

2022 йил 30 ноябрдаги  
11-сонли шартномага  
Илова

### СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Режа		Сумма
			миқдори	Нархи	
1	Витрина холодильная	Дона	1	9 965 000	9 965 000
2	Кондиционер 12 ли	Дона	1	5 978 000	5 978 000
3	Кондиционер 48 ли	Дона	1	25 907 000	25 907 000
4	Фритюрница	Дона	1	16 940 000	16 940 000
	Жами		4		58 790 000

Шартноманинг умумий киймати **58.790.000** (Эллик саккиз миллион етти юз тўқсон минг) сўмни ташкил этади.

**Бажарувчи:**

"MEGA STAR SAVDO SENTER" МЧЖ

Манзил: Чорток ш.Юксалиш МФЙ Ешлик  
кучаси

X/P: 20208000705181886001

Банк номи: АТБ Агро банк Чорток  
филиали  
МФО: 00256  
ИНН: 307147697

**Буюртмачи:**

Чорток туман ҳалқ таълими бўлими

Чорток шахар Истиқлол хиёбони кўча 6-уи

Р/с: \_\_\_\_\_

Л/с: 401722860142367092100075008

Банк реквизитлари: М.Б. ХККМ

МФО: 00014

ИНН: 200107722

ОКЭД: \_\_\_\_\_



Бажарувчи: *А.О.*

А.Отатиллаев.



*М.Б.Х.К.М. Ф.Бекодиров.*



## XALQ DEPUTATLAR CHORTOQ TUMANI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 5 - oktabr

VI-44-85-6-88-K/22

Chortoq tuman hokimligi

**Чорток туманида Ўзбекистон Республикаси “Ochiq budget” портали орқали фуқаролар томонидан берилган таклифларга овоз бериш яқунлари бўйича ғолиб деб топилган лойиҳаларни тасдиқлаш ва маблағларини йўналтириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги “Маҳаллий бюджет маблағларини сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги КҚ-213-IV-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6,25-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Чорток тумани Кенгаши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарорига мувофиқ бюджет ҳаражатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш тартиби жорий этилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарорига мувофиқ Овоз бериш жараёни яқунларига кўра, 2022 йил 2-босқичида ғолиб деб топилган таклифлар учун ишчи комиссия томонидан ажратилиши белгиланган 5 795 000 (беш миллиард етти юз тўқсон беш миллион) минг сўм жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган тадбирлар бўйича таклифлар иловага мувофиқ ғолиб деб топилган лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан буюртмачи ташкилотларни аниқлаб манзилли рўйхат тасдиқлансин ва тегишлилиги бўйича йўналтирилсин.

3. Туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси (А.Боймирзаев)га туман ҳокимлигининг “Фуқаролар ташаббус жамғармаси”дан манзилли рўйхат асосида ғолиб деб топилган ҳар бир лойиҳа учун буюртмачи ташкилотларни “401722...” алоҳида ҳисоб вароқларига маблағлар йўналтириш чораларини кўрсинар.

4. Ҳаражатларни амалга оширишга масъул ташкилотлар раҳбарларига:

ажратилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш;

молиялаштириш манбасини очиш учун ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатларни туман молия бўлими ва туман ғазначилик бўлинмасига тақдим этиш;

ажратилган маблағлардан тўғри, мақсадли, самарали ва амалдаги тартиблар асосида фойдаланиш ҳамда лойиҳада назарда тутилмаган тадбирлар учун ҳаражатларни амалга оширмасликни таъминлаш;

ажратилган мақсадли маблағларни ўз вақтида ва самарали ишлатилиши юзасидан молиявий ҳисботлар асосида тизимли ўрганиш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра, ишлатилмаган ва иқтисод қилинган маблағларни туман ҳокимлигига очилган “Фуқаролар ташабbus жамғармаси”га қайтариш чораларини кўрсингар.

5. Туман ҳокимлигининг молия бўлими (Д.Вахабов)га бюджет ҳаражатлар режасига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш, туман ғазначилик бўлинмаси (Ф.Қамбаров)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш ҳамда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш вазифалари топширилсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринbosари А.Умурзақов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



А.Отаходжаев

Xalq deputatları Chortoq tuman Kengashining  
2022 yil 5 oktabrdagi  
VI-44-85-6-88-K/22-son qaroriga  
1-ilova

**Наманган вилояти Чорток тумани бўйича 2022 йил 2-мавсум жамоатчилик фикри асосида ўтказилган "Опен бюджет" лойихасида ғолиб бўлган лойихалар асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича**

**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ**

№	"Фукаролар ташаббуси жамгармаси"да шаклланган маблаг		Тўплаган овозлари сони	Амалга оширишнинг аниқланган киймати (минг сўмда)	Хакикатда ажратилган (минг сўмда)	Молиялаштириш манбаси (МӢҶК, кўшимча манба, бюджет параметри)	Буюртмаchi ташкилот
	Таклиф ID рақами	Кискача мазмуни					
<b>"Фукаролар ташаббуси жамгармаси"да шаклланган маблаг</b>							
1	0910600143	53-умум таълим мактабимизга фаоллар зали куриш хамда фаоллар залини жихозлаш учун	4 467	1 100 000,0	1 100 000,0		Халқ таълими
2	0910600117	Чорток туман "Соҳибкор" МФӢга бино куриш учун	4 379	600 000,0	600 000,0		Махалла ва Нуронийларни кўллаб кувватлаш бўлими
3	0910600118	Чорток туман "Бештол" МФӢга бино куриш учун	4 192	700 000,0	700 000,0		Махалла ва Нуронийларни кўллаб кувватлаш бўлими
4	0910600171	25-умумий ўрта таълим мактабини АҚТ ва моддий-техника базасини ривожлантириш хамда эски козонхонани таъмирлаб фаоллар залига айлантириш учун	4 100	1 125 000,0	1 125 000,0		Халқ таълими
5	0910600170	Чорток туман ХТБга қарашли 43-сонли мактаби биносини кўргон деворларини янгилаш ва мактаб ўқувчиларни соглом овқатланишини ташкил этиш максадида 80 ўринли озхона мебел жихозлари олиш харажатлари учун	4 053	1 000 000,0	1 000 000,0		Халқ таълими
6	0910600004	Чорток туман "Баркамол авлод" болалар мактаби хожатхонасини замонавий тарзда кайтадан куриш ва эскирган биноларни таъмирлаш учун	3 867	500 000,0	500 000,0		Халқ таълими
<b>Таксимланмаган маблаг*</b>					<b>770 000,0</b>	x	x

DL3158817743

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

LZ4406523077

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: 43-sonli umumiy o‘rtata’lim maktab oshxonasiga mebel va jixozlari
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Chortoq tuman xalq ta’limi tomonidan 30.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Chortoq tumani  
yuridik markazi  
markaz rahbari:



M.X.XAYDAROV

30.11.2022

